ТУРК ТОШБИТИКЛАРИНИНГ ЕНИСЕЙ ҲАВЗАСИДАГИ ИЛК ТАДҚИҚОТЛАР ТАДРИЖИ

Насриддин Атақулович Назаров
Тошкент Архитектура-қурилиш институти профессори
E-mail: nasrid@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада Турк тошбитикларининг Енисей ҳавзасидаги илк тадқиқотларнинг бошланиши масалаларига эътибор қаратилади. Айниқса, XVIII – XIX – асрлар Европада илмий тараққиётнинг илк босқичи сифатида амалий-экспедицион фаолият билан уйғунлашган кашфиётлар асри бўлганлиги тадқиқ этилиб, унда тадқиқотчиларнинг ўрни масалаларига эътибор қаратилади. Асрлар давомида эпиграфик вам эпитафик ёдгорликлар, қадимги турк маданиятинингн намуналари сифатидаги моҳияти очила бошлаши бирламчи манбалардаги материаллар таҳлили асосида талқин этилади.

Калит сўзлар: Турк тошбитиклари, Енисей ёдгорликлари, сак, скиф, хун, Туркология, Олтой, рунология, Ўрхун ҳавзаси, Сибир, Марказий Осиё.

FIRST RESEARCH OF TURKISH INITIATIVES IN THE ENISEY BASIN

Nasriddin Ataqulovich Nazarov
Professor of the Tashkent Institute of Architecture and Construction
E-mail: nasrid@mail.ru

ABSTRACT

The article is devoted to the beginning of the first studies of Turkic inscriptions in the Yenisei basin. In particular, the XVIII - XIX - centuries as the initial stage of scientific development and as a century of discoveries, combined with applied-expeditionary activities, in which attention was paid to the role of researchers. The conclusions are interpreted on the basis of the analysis of primary sources, the essence of runic epigraphic and epitaphic monuments, which over the centuries retained their mysteries and began to be revealed as samples of the ancient Turkic culture.

Keywords: Turkic inscriptions, Yenisei monuments, Saks, Scifs, Huns, Türkology, Altai, runology, Orkhon basin, Siberia, Central Asia.

КИРИШ

Турк ёзувлари ўзининг руник моҳиятини дастлаб Енисей ҳавзасида намоён этганлиги тарихий маълумотлардан маълум. Албатта, оламда моҳияти яширин сирли белгилар талайгина. Лекин, муайян халқ тарихини, ўтмиш воқеа ва ҳодисалари жараёнида элга хос бўлган ижтимоий-маданий хусусиятларни ўзида мужассам этувчи белгилар кўп эмас. Бу белгиларнинг муҳимлиги – уларнинг тарихни тилга кирита олиш салоҳиятидадир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Турк тошбитиклари унинг текстологик таҳлили тўғрисида қатор тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, тадқиқотларида, қадимги туркий ёзувдаги эпиграфик масалалар бўйича А.И.Андреев, И.Л.Кизласов, И.А.Батмановлар асарларида қадимги туркий текстлар, жаҳон халқларида ёзув маданиятининг ривожи, эпиграфика ва тамғаларнинг туркий ёзувларда ўз ифодасини топиши каби масалалар ифодасини топганлиги билан эътиборлидир.

Турк тошбитикларининг автохтон моҳиятини қўллаб ёзган олимлар – Г.Айдаров турк алфавитининг шаклланишинида идеографик мотивлар ҳақида тадқиқот олиб бориб, ушбу алфавитнинг шаклланиш жараёни ҳақида атрофлича тўхталади. Шунингдек, тарихчи олим А.Бернштам ушбу ёзувнинг умумий назарий контекстида қадимги туркий руник ёзувининг шаклланиш муаммоларига бағишлаб йирик тадқиқот ишини амалга оширади. Жумладан, жанубий Сибир ва Енисей ҳавзасида турк рунологиясининг шаклланиши, Енисей ҳавзасида қадимги турк эпиграфик ёдгорликларининг кашф қилиниши ва тадқиқ этилиши муаммолари, Сибир сирли ёзувлари, тошлардаги белгилар, қадимги турк цивилизацияси, Ўрхун ёдгорликларида ҳоқон образи, унда бирлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш каби масалалар тадқиқига атрофлича тўхталади. И.Л.Кизласов эса Саян-Олтой туркларининг қадимги ёзувлари ҳақида тадқиқот олиб бориб, Енисей ёзувларига асосий эътиборни қаратади.

Енисей ҳавзаси бўйлаб ҳудудлардан топилиб, қадимги турклар маданиятига мансуб ёзувлар VII-X-асрларга мансуб бўлиб, Туркологияда Енисей ёзувлари сифатида эътироф этилади. Бундай ёзувлар Тувада, Хакасияда, Тоғли Олтойда, Красноярскда, Лена дарёси бўйлаб жойлашган ҳудудларда, Абаканда ва Енисей ҳавзасидаги бошқа ҳудудлардан, қўрғон ва қаълалардан топилган бўлиб, Енисей ёзувларининг умумий миқдори 160га яқин. Бу ёзувлар тошлар, қоятошлар, уй-рузғор буюмлари ҳамда тангаларда ўзининг ифодасини топган.

Турк рунологиясининг тарихий жиҳатларига, Енисей ҳавзасида тадқиқот ишларининг бошланишига эътиборни қаратадиган бўлсак, ушбу жараён ўн еттинчи асрнинг охирги йиллари билан боғлиқ. "1692 йилда Амстердам бургомистери Николай Видзен жарликдаги Верхотериядан унча узоқ бўлмаган жарликда бир нечта номаълум хатларнинг ёзувлари топилганлигини хабар қилди. Шу сабабли, Видзен рун матнларини назарда тутадими-йўқлигини айтиш қийин. аммо, расмлар ва ёзувларнинг таққосланишига қараб, бу нафақат Сибирдаги, айниқса Минусинск ўлкасида кенг тарқалган хатларга, балки Сибирни ўрганган бошқа саёҳатчилар ва олимларни қизиқтирган рун ёзувлари тўғрисида эди"[4, 11].

НАТИЖАЛАР

Қадимги туркларга хос бўлган бу ёзув Сибир жанубидаги қўрғон ва ҳарбий қаълалардан топилган ашё ва буюмларда из қолдирганлиги, қадимги давр найзаларида ҳам акс этирилганлиги қадимги даврлар ва илк ўрта асрларда туркларнинг жанговар фаолиятни ўзининг турмуш тарзига сингдириб келганлигини далиллайди.

Бундай маданий ҳаёт намуналари тоғ ишлари қолдиқларидан, маъдан конларини қазиб олиш асбобларида ҳам мужассам эканлиги қадимги турклар ўтроқ турмуш шароитида темир қазиб чиқариб, маъданларга ишлов бериш маҳоратини ҳам пухта эгаллаганликларини билдиради.

Қоя тошлари ва қабр тошларига бўёқлар билан тасвирланган намуналар – қадимги турклар амалий санъатининг бир бўлаги сифатида уларнинг маданий ва маънавий даражасини белгиловчи омиллар сифатида муҳим.

МУҲОКАМА

Юқорида таъкидланган концепциянинг қисқача моҳиятига тўхталиб ўтсак. Умуман олганда ўн еттинчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўн саккизинчи аср ва ундан сўнг Европа ва Россияда илмий-тадқиқий экспедициялар фаолияти жонлана бошлайди. Россия императори Петр 1 (ўн еттинчи асрнинг охирги чораги ва ўн саккизинчи асрнинг биринчи чораги давомида ҳокимиятни бошқарган) иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириб, илмий нуфузга ҳам эътибор бера бошлайди. Натижада немис тиббиётчи олими Д.Г.Миссершмидтни Россияга таклиф этиб, Сибирнинг табиий бойликлари, наботот дунёси ҳақида тадқиқот ишларини олиб боришга вазифалантиради. Натижада олим экспедиция раҳбари сифатида ушбу дала экспедицияси жараёнида йўлида учраб, ўзини қизиқтирган барча нарсаларни ўз

кундаликларида ифодалай бошлайди: "Рун ёзувларининг ёзма далиллари Д.Г. Миссершмидтнинг кундалигида ҳам мавжуд"[4, 12]. Натижада, рун ёзувлари академик доираларни ҳам қизиқтира бошлайди. Умуман, қадимги турк ёзувлари қандай ёзув эди ва у кимлар томонидан фойдаланилган?, - деган саволга жавоб берадиган бўлсак: «Қадимги туркий ёзув ёдгорликлари асосан эпиграфия сифатида, тошбитиклар ҳолатида Марказий ва Ўрта Осиё, жумладан Шарқий Туркистон, Сибир, Олтой ва Мўғулистон ҳудудида яратилган бўлиб, ушбу ёзувлардан дастлабки ўрта асрларда шарқий ва ғарбий турклар, тургешлар, қарлуқлар ва уйғурлар фойдаланган»[8, 44].

Турк ёзувларининг шаклланиш босқичи эрамиздан олдинги даврларга мансуб. «Қадимги туркий ёзув Ўрхун-Енисей ёзуви сифатида - Марказий Осиёда милоднинг VI-VIII-асрларида туркий тиллардаги сўзларни ифодалаш учун қўлланган ёзув шакли деб айрим манбаларда аталсада, ёзувнинг тадрижий босқичи милодддан аввалги IV-III-асрларга бориб тақалади” [6, 101]. Олма-Ота яқинидаги Иссиқ ёзувидаги маълумотлар буни тасдиқлайди. Юқоридаги маълумотлар қадимги турк ёзувининг шаклланиш босқичига алоқадор. Лекин, бу соҳадаги тадқиқотлар XVII-асрда бошланиб, жанубий Сибирь ва Енисей ҳавзаси билан алоқадор.

Тошларга чизилган бу чизгилар фақатгина содда белгилар бўлмасдан, улар муайян ахборотни мужассам этувчи сирли белгилар эканлигини ўша давр зиёлилари англаб етади. Ва бу сирли белгиларга эътибор қарата бошлайдилар. Шундай қилиб, турк руник ёзувлари ўша давр зиёлиларининг диққат-эътиборини жалб эта бошлайди. Теварак-атрофдаги жамоатчилик ушбу мавзуга қизиқиб, муайян доираларда муҳокамалар жонланиб кетади. Зиёлилар орасидаги баҳс-мусоҳабаларда улкан тошлардаги бундай белгилар нафақат Енисей ҳавзасида, балки Мўғулистондаги Ўрхун воҳасидаги ҳамда Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларидаги тошларда ва рўзғор буюмларида ўйилган белгилар билан бир хиллиги таъкидланиб (Ўрхун ва Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларидаги сирли ёзувлар тўғрисида ўша давр зиёлиларида маълумотлар бўлган), бу сирли белгилар моҳияти ўша давр зиёлиларини қизиқтира бошлайди. Натижада, алоҳида шахслар орасида битикли тошларда акс эттирилган сирли белгилар моҳияти билан қизиқиш жараёни бошланиб кетади. "1696 йилда Тоболскийлик бояр ўғли Семён Ремезов харита тузиб, 1697 йилда хариталарда "Ўрхун тоши»ни белгилади. Яъни, харитада алоҳида Ўрхун дарёси ва Талас дарёси бўйида Ўрхун тошлар мавжуд", деб ёзилган» [4, 11-12]. Таъкидлаганимиздек, XVII-аср зиёлилари доирасида Ўрхун ҳавзасидаги тошларда битилган белгилар тўғрисида маълумотлар бўлган. Зеро, XVII – XIX

– асрлар тадқиқотчиларига хос характерли хусусият – илмий тадқиқий саёҳатларга мойиллик эди. Ва бундай мақсадли саёҳатлар давомида тарихий, этнографик ҳамда демографик характердаги материаллар тўпландики, рус тадқиқотчилари томонидан Ўрхун ҳавзаси бўйлаб руник белгиларга оид маълумотлар мана шундай саёҳатлар туфайли тўпланган эди.

Енисей ҳавзасида тадқиқотчилар эътиборини жалб этган белгилар тўғрисида баҳс-мунозаралар давомли моҳият касб этиб бораверади. Натижада ушбу сирли белгилар зиёлиларнинг кенгроқ доираси эътиборини торта бошлайди. Ушбу жиҳатлар турк руник ёзувлари ҳақида илк тадқиқотлар доирасига кирсада, лекин бундай ёзма тадқиқий жараёнларнинг бошлангунига қадар, табиийки асрлар давомида бу борада баҳс ва муҳокамалар ижтимоий тафаккурда, яъни жамиятнинг пешқадам вакиллари доирасида давом этганлиги ҳам аниқ.

Турк-руник ёзувлари илк кашфиёти ҳақида гап кетганда Д.Г.Миссершмидт илмий доираларда ушбу руник ёзувлар ҳақида илк тасаввурларни ҳосил этган тадқиқотчи сифатида эътиборга лойиқ. Айнан ўша қадимги Сибир ёзуви ёдгорликларини кашф этган шахс Даниил Готлиб Миссерсшмидт бўлиб, бу ёзув дастлаб руник деб аталди. У раҳбарлик қилувчи экспедиция улкан тошда чизилган белгиларга дуч келиб, уларни қоғозга кўчириб олади. Лекин, номаълум белгиларни ўқишнинг имкони йўқ эди. «Бу экспедиция Санкт-Петербургдан Москвага, сўнгра Тоболск ва Томск йўналишлари бўйлаб белгиланган бўлиб, 1721 йил 5-июлда экспедиция Том дарёсининг юқори ҳавзаси томон ҳаракатланиб, Кузнецка етиб боради ва сўнгра Балиқсув дарёсининг лаби бўйлаб ҳаракатланади» [5, 9-10]. Кузнецк Олатови тизмалари ҳамда Теренсу дарёси ҳавзаси орқали Уйбат дарёси юқори қисмидан серҳосил хакас кенгликларига тушади. Ва илк тарихий кашфиёт шу ердан бошланиб, инсоният цивилизациясида Евроосиё маданий тараққиётининг, жумладан туркларнинг ижтимоий-тарихий ўрнини белгилашда муҳим ўрин тутди. «1721 йил август ойининг қуёшли кунида Уйбатнинг шимолий қирғоғида "Бей дарёси қуйилишидан бир неча верст юқорида", Д.Г.Миссершмидт "венгер қиличи шаклида" эгилган ён томонлари номаълум ёзув билан қопланган баланд тошни топди. Тадқиқотчи "ўзи билан бирга олиб борган швед боласини тошнинг эскизини чизиш учун буюрди". Карл Шулман томонидан бу иш эҳтиёткорлик билан амалга оширилди… Шундай қилиб, деярли 300 йил олдин, Хакасс кенгликларидаги Уйбат дарёси ҳавзасида водийсида узоқ аждодлар томонидан авлодларига етказишга интилган ҳикматларни ифодаловчи янги фан дунёга келди» [5, 10]. Бу фан албатта

Туркология бўлиб, Д.Г.Миссершмидт доя сифатида ушбу фаннинг дунёга келишида илк эътиборни қаратиб, уни илм дунёси сари етаклади.

Маълумки, академик фан Европадан Россияга лотин алифбоси ва тили ҳамда немис нутқи билан бирга келган. Шу боис, тарих, фалсафа ва медицинадаги лотинча атамалар, ижтимоий лексиконда сақланиб қолган айрим немисча сўзлар (алло, конкрет) бундан далолатдир. «Дастлабки руник ёзувлар илк ўрта асрларда шимолий Европада бўлиб, қадимги германлар томонидан қолдирилган эди. Д.Г.Миссершмидт яшаган даврда ҳар бир европалик зиёли қадимги герман ёзувлари тўғрисида маълумотга эга бўлиб, аристократлар қадимги белгиларга эга нарсалар билан мақтанишни яхши кўришарди. Уларга мижозларнинг нафис кундалик ҳаётини безатган усталар тақлид қилишиб, ёзувчи ва шоирлар ҳам руник белгиларга мурожаат қилишди» [5, 12]. Умуман, классик алломаларнинг энциклопедик моҳияти ҳам шундан иборат. Яъни, улар илм зиёси сари қадам қуяр эканлар, фан деб аталган булоқларнинг барчасидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилганлар. Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Фарғоний ва яна кўплам классик алломаларнинг энциклопек олим сифатида эътироф этилиши шунга боғлиқ. Ушбу анъана ворисийлик асосида шарқ билан бир қаторда ғарб интеллектуал доираларида ҳам мавжудлиги – олим илмнинг барча соҳасидан хабардор бўлиши лозимлигини тақозо этган.

Ўрта асрлар, айниқса XVI – асрдан бошлаб ғарб, шарқда шаклланиб, X – XI – асрларда Темурийлар даврида ривожланган (Улуғбек, Али Қушчи), юксак чўққига чиққан илмий анъаналарини давом эттиради. Яъни, эрамиздан олдинги VI – I – асрларда Юнонистонда (Геродот, Пифагор, Сукрот, Аристотель. Анаксимен, Анаксимандр) шаклланган илмий пассионарлик, X – XV – асрларда Мовароуннаҳрда (Форобий, Ибн-Сино, Хоразмий, Фарғоний ва ҳ.к.) ривожлантириб, XVI – асрдан сўнг илмий пассионарлик Европага ўтиб, юксала бошлади (физика, механика, турли таълимотларнинг пайдо бўлиши, информатика, автоматика ва ҳ.к.). Шу тариқа Европада амалий фанлар (этнография, демография, табиий бойликларни излаш ва ҳ.к.) ҳам ривожланиб, бу соҳада изланишлар амалга оширила бошланди. "XVII-асрнинг иккинчи ярмида саёҳатчи-олимлар шунчалик муҳим ёзма ва оғзаки маълумотларга эга бўлдиларки, улар Сибир ва Узоқ Шарқнинг айрим ҳудудларининг батафсил тавсифини тузишга муваффақ бўлишди"[2]. Бу тавсифда табиий равишда қадимги турк маданиятига мансуб бўлган ёзувлар тўғрисида ҳам маълумотлар бўлиб, уларнинг туркий моҳияти ҳозирча номаълум эди.

Натижада ўша давр (XVIII- асрнинг иккинчи ярми) илмий доиралари билан бир қаторда, илмий ва оммавий нашрларда ҳам ушбу номаълум белгилар

ҳақида маълумотлар ёзила бошлайди. "Улар ҳақидаги дастлабки мулоҳазалар фақат XVII – асрнинг охирларида (Николай Видзен, Семён Ремезов) шаклланиб, XVIII – XIX – асрларга бориб, илмий нашрларда матннинг текстологик тасвирлари пайдо бўла бошлайди (Стреленберг, Паллас, Спасский, Аспелин)" [3, 11]. Албатта, белгилар моҳияти ҳақида ҳали фан бирор нарса дейишга ожизлик қилар эди. Бу ёзувлар қадимги халқлардан кимларга мансублиги тўғрисида ҳам бир-бирини инкор қилувчи қарама-қарши фикрлар мавжуд эди.

Сибирдаги руник белгиларининг келиб чиқишини изоҳлашга бўлган биринчи урунишлар XVIII-асрларнинг охирига тўғри келиб, Г.И.Спасский ўз муносабатини билдириб, у ўзининг дастлабки муносабатларида ушбу ёзувлар туркларга тегишли эканлигини инкор этган [7]. Г.И.Спасский ўзининг дастлабки муносабатларида белгиларнинг туркий характерини инкор этишига қуйидаги омиллар таъсир этган:

1. Бу даврда Евроосиё туркlари ўзларининг жанговар қобилиятидан маҳрум этилиб, Олтой, жанубий Сибир, Волгабўйи ва Енисей дарёси ҳудудида истиқомат қилувчи турклар Россия томонидан босиб олинган эди.
2. Ўрта Осиёдаги туркий хонликлар (Қўқон хонлиги, Бухоро хонлиги, Хива хонлиги) империя мақомида бўлмасдан, ўзаро рақобатлар қонли тўқнашувларни ҳам келтириб чиқариб, ўзаро яхлитликни таъминловчи омилларга нисбатан, ажралиш ва фарқиятларга кўпроқ урғу берилаётган зиддиятли давр эди.
3. Ижтимоий тафаккурда ҳар қандай маданият намуналари мавжуд йирик империяларга мансуб бўлиб, унинг ворислари айни пайтда фаолият кўрсатаётган йирик давлатлардир, деган қарашлар ҳукмрон эди. Жаҳон сиёсий саҳнасида ўз мавқеини пайдар-пай йўқотаётган турклар, бундай маданият ворислари эканлиги шубҳаланарли бўлиб туюларди.

Ана шундай дунёқарашнинг уйғун бирикмаси Г.И.Спасскийни ушбу белгилар тўғрисида дастлаб бир томонлама хулоса ясашга олиб келади. Лекин, Г.И.Спасский сирли белгиларнинг туркийларга хос эканлигини дастлаб инкор қилган бўлса ҳам, кейинчалик бу белгилар Сибир татарларига мансуб бўлиши мумкинлиги фаразини ҳам илгари суради. "... уларнинг аксарияти татар тилида ёзилган бўлиб, эҳтимол қўшни татар лаҳжаларини биладиган баъзи Бухорий олим томонидан шарҳланиши мумкин"[7, 83], - дейди. Бу даврда Бухоро илм ва маданият маркази сифатида ўз аҳамиятини сақлаб келаётган эди.

Г.И.Спасскийнинг туркий халқлар учун қилган хизмати шундан иборат эдики, у ўзи таъсис этган «Сибирский вестник» (Сибир ахборотномаси)

журналида 1818 йили бир-неча сонларида бу белгиларнинг тошларга ўйилганлиги, жойлашиш ареали, тадқиқотчиларни жалб этиши ҳақида йирик мақолалар чоп этганлигидир. Бу журнал ўз даврида зиёлилар даврасида машҳур бўлиб, унда чоп этилган мақолалар кенг доираларда муҳокамаларга сабаб бўлган. Шу тариқа ушбу сирли белгилар ҳақида позитив ижтимоий тафаккур шаклланиб, гарчи ҳозирча моҳияти номаълум бўлсада битикларни асраб-авайлаш, маънавий мерос намуналари сифатида масъулият билан ёндашиш каби хислатлар ривожини таъминлашда «Сибирский вестник» (Сибир ахборотномаси) журналининг ўрни муҳим бўлган. Шу тариқа, айтиш мумкинки, «VI-VIII-асрларга оид Ўрхун-Енисей ёзуви деб аталган қадимги турк ёзувлари дастлаб XVII-асрнинг охирида Сибир тадқиқотчилари томонидан топилди"[1, 3]. Аслида, бундай белгили тошлар асрлар давомида Мўғулистондаги Ўрхун ҳамда Сибирда Енисей ҳавзалари бўйлаб ястаниб ётишган. Бу белгиларни тилга киргизишнинг иложсизлигидан унинг тарихий-маънавий қиймати баҳоланмасдан, йирик тошлар сифатида қаралган, холос. Рус илмий жамияти, рус тадқиқотчиларининг хизмати шундан иборат бўлдики, улар ўз оммавий муҳокамалари орқали ушбу сирли белгили тошларнинг илмий қийматини жамоатчилик тафаккурига сингдиришга интилди. Ва буни уддалай олдилар.

Кейинчалик сирли ҳарфлар билан топилмалар ҳақида дастлабки маълумотлар XVIII асрга бориб тақалиб, булар дарё ҳавзасида топилган ёдгорликлардан иборат эди. XIX аср бошида тошбитиклар ҳақида маълумотлар, уларнинг тасвирлари нашр этилиб, Россияда ва умуман Ғарб илмий жамоатчилиги доирасида бир қатор таниқли олимларнинг эътиборини жалб этади. “Тарихнинг кузатувчи нигоҳларидан халқлар ғойиб бўлди ва уларнинг мавжудлиги деярли замоннинг даҳшатли таъқибидан омон қолган ушбу ёдгорликларда сақланиб қолди. Улар Сибирнинг турли қисмларида учрайди, уларнинг аксарияти ёруғ қисмида бўлиб, контур ва ёзувлардан иборат; қўрғонлардан ёки қабрлардан; харобалардан, турфа иншоотлар ва ҳарбий қалъалардан; тоғ ишлари қолдиқларидан, ёки қадимги давр найзалари қолдиқларидан, маъдан конларини қазиб олиш асбобларидан ва бошқа нарсаларда ўз аксини топгандир. - Аммо бу диққатга сазовор жойларнинг барчасида, баъзи дарёлар қирғоқларини ташкил этувчи тош қояларда, қабр тошларида ва шунга ўхшаш жойларда бўяш билан тасвирланган ўймалар ва ёзувлар, бошқаларга маълум даражада олий даражадаги маълумот ва халқ амалий санъати намойиш этилиб, мен тақдим этган эслатмаларда биринчи бўлишга лойиқдир"[7, 69-70]. Г.И.Спасский таъкидлаган ушбу жиҳатлар:

1. Тарихнинг кузатувчи нигоҳларидан ўз даврида салтанат тузган халқлар ғойиб бўлган бўлсалар ҳам уларнинг авлодлари аждодларга хос маданият ворислари сифатида ўша тарихий йўлдан сабоқ чиқарган ҳолда, аждодларнинг зафарли юришларидан фахр, ифтихор ҳиссини туйиб, улар бошлаган эзгу фаолиятни давом эттиришга ундайди.
2. Г.И.Спасский таъкидлаганидек, улар ҳудудсиз Сибирнинг турли қисмлари, асосан ёруғ қисмида учраши – қадимги туркларнинг ушбу ҳудуднинг жанубида истиқомат қилиб, минтақанинг тарихий, ижтимоий-маданий ҳаётида чуқур из қолдириб келганлигини тасдиқлайди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, XVIII – XIX – асрлар Европада илмий тараққиётнинг илк босқичи сифатида амалий-экспедицион фаолият билан уйғунлашган кашфиётлар асри бўлди. Айниқса, XIX – аср табиат ва инсоният тўплаган ер ости бойликлари ҳамда маънавий бойликларни инсоният мулки сифатида рўёбга чиқаришда етакчи ўрин эгаллайди.

ХУЛОСА

XVIII – XIX – асрларга давомида илмий ва оммабоп нашрларда сирли белгилардан иборат матннинг текстологик тасвирлари пайдо бўла бошлайди. Бунда Стреленберг, Паллас, Спасский, Аспелин сингари тадқиқотчиларнинг ўрни сезиларли эди. XIX – асрнинг бошларида Г.И.Спасский «Сибирский вестник» (Сибир ахборотномаси) журналининг муҳаррири сифатида ўзининг Сибир тарихий ёдгорликлари, жумладан осори-атиқалари ҳақида материлларни чоп этиб, унда ўзи бевосита ёзиб олган номаълум белгилар ҳақида ҳам маълумот беради. Г.И.Спасский таъсис этган ушбу журнал Сибир ёдгорликлари доирасида туркий халқларга хос бўлган тарих ва маданият намуналари ҳақида атрофлича маълумотларни бериб боради. Сўнгра, атоқли можор шарқшуноси, полиглот олим Герман Вамбери (1832 – 1913 йй.) Енисей қоялари ёзувларининг Сибир татарларига хос бўлган белгиларига ўхшашлиги фаразини илгари суради. Бу каби тахминни Н.А.Аристов томонидан ҳам айтиб ўтилиб, инсоният тараққиёти давомида ишлатиб келинган тамғалар, кейинчалик Ўрхун-Енисей битиктошларида ҳарфлар сифатида қўлланилганлиги таъкидланади. Н.Г.Малицкий ҳам ёзма ёдгорликлар ҳарфлари дастлаб белгилар бўлган, деган фикрни илгари суради. Шу тариқа, сирли белгилар атрофида илмий баҳс-мунозаралар жонланиб, ҳали Туркология деб ном олмаган фан тадрижий асосларда шаклланаверади. Шундай қилиб, бу соҳадаги фикр ва мулоҳазалар тадрижан ривожланиб, такомил босқичи сари бораверади.

REFERENCES

1. Aydarov G. (1966) Yazık Orxonskogo pamyatnika Bilge-Kagana. – Alma-Ata, 1966. – S. 3.
2. Andreyev A.I. (1960) Ocherki po istochnikovedeniyu Sibiri. Vып.1. XVII vek. Izd. 2-e. – Moskva-Leningrad, 1960; Vып. 2. XVIII vek (pervaya polovina). – Moskva-Leningrad, 1965.
3. Batmanov I.A. (1959) Yazık yeniseyskix pamyatnikov drevnetyurkskoy pismennosti. – Frunze: Izd-vo AN Kirgizskoy SSR, 1959. – S. 11.
4. Bernshtam A. (1946) Sotsialno-ekonomicheskiy stroy Orxono-eniseyskix tyurok VI-VIII vekov: Vostochno-tyurkskiy kaganat i kыrgыzы. – Moskva-Leningrad: «Izd-vo AN SSSR», 1946. – S. 11.
5. Kызlasov I.L. (2017) Yeniseyskaya pismennost drevnexakasskogo gosudarstva. Rasskazы arxeologa Izdaniye 2-e, pererabotannoye i dopolnennoye. Moskva-Abakan, 2017. – S. 9 – 10.
6. Nazarov N.A. (2020) O‘rxun-Yenisey yozuvlari mohiyatini talqin etishning ahamiyati //Ilim ham jamiyet: ilimiy-metodikaliq jurnal. Ajiniyaz atindag’I Nokus mamlekettik Pedagogikaliq Instituti. – Nokis, 2020. -№4.– B. 101.
7. Spasskiy G. (1818) Drevnosti Sibiri //Sibirskiy vestnik, izdavayemыy Grigoriyem Spasskim. 1818. Chast pervaya. – Sankt-Peterburg. V tipografii Ios Iolinesova, 1818. – S. 83.
8. Nazarov N.A. (2020) O‘rxun-Yenisey toshbitiklari tarix fanining tadqiqot ob’ekti sifatida //«Kutubxona».jurnali. 2020. - №3. – B. 44.